

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ободонлаштириш башкармасининг
бошлиғи
Т.З.Сиддиков
2022



Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар Кангили кўчасида Ободонлаштириш ва
кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш хамда мазкур худудда
сугориш тизимини барпо этиш

ТЕХНИК ТОПШИРИК

МУНДАРИЖА

1.Шартнома мавзуси.....	1
2.Шартнома буйича ишлар киймати.....	3
3. Пудратчининг мажбуриятлари.....	3
4.Тулов ва хисоб.....	4
5.Бошқа шартлар.....	4

1. Шартнома мавзуси

1.1. «Пудратчи» мазкур шартномага асосан Тошкент вилояти Чирчиқ шахар Кангли кўчасида Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга ошириш хамда мазкур худудда суғориш тизимини барпо этиш ишларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

2. Шартнома бўйича ишлар киймати

2.1.Мазкур шартномадаги бажариладиган ишлар ва унинг шартномавий бугунги кундаги баҳоси

166 653 600 (бир юз олтмиш олти миллион олти юз эллик уч минг олти юз) сүмни ташкил этади.

2.2. Курилиш, пудрат соҳасидаги нархлар ўзгаришига қараб, бирлик нархи, бажарилган ишлар ҳажмининг умумий нархи, шунингдек, қўшимча ҳудудларни ободонлаштирилиши ёки қўшимча ҳудудларни ободонлаштирилиши ўзгариши мумкин. Шартнома бўйича ишларнинг қиймати, ҳажми ўзгариши томонларнинг ўзаро келишувларга мувофик, қўшимча келишув тузиш йўли билан расмийлаштирилади ва амалга оширилади.

3. Пудратчининг мажбуриятлари

3.1.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг I бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни «Буюртмачи» га мазкур шартнома шартларига муфовиқ топшириш;
 - курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;
 - «Буюртмачини» пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор килиш;
 - Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини тъминлаш,
 - мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тўгрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини ўзига тегишли курилиш машиналар ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар хамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;
 - курилиш майдони кўрикланишини тъминлаш;
 - мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

3.2.«Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлик мулкий жавоб беради.

4. Тўловлар ва хисоб-китоблар

4.1. Ушбу Шартнома бўйича тўловлар Буюртмачи томонидан Пудратчининг хисоб-рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.2. Ушбу Шартнома бўйича тўлов мижоз томонидан Шартнома суммасидан кўйидаги миқдорда ва муддатларда амалга оширилади:

- ишларини бошлиш учун аванс – 30%; (з (уч) банк иш куни ичida)
- ишлар бажарилгач – 70%;

5. Бошқа шартлар

5.1. Буюртмачи ва Пудратчи ўртасида тузилган ҳар қандай шартнома, ушбу Шартномадан келиб чиқмайдиган янги ҳолатларни келтириб чиқариши, Томонлар томонидан ушбу Шартномага қўшимчалар ва ўзгартиришлар кўринишида ёзма равища тасдиқланиши керак.

5.2. Ушбу Шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда тузилган бўлса ва иккала томон имзолаган бўлса, шу жумладан сканер қилинган электрон версияси ҳам ҳақиқий хисобланади. Ушбу Шартноманинг барча иловалари унинг ажралмас қисми хисобланади.

5.3. Ушбу Битим Томонлар имзолаган пайтдан бошлаб кучга киради ва Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарунга қадар амал қиласи.

5.4. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган бошқа барча ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади. Шартномани бажариш пайтида юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ёки келишмовчиликлар музокаралар йўли билан ҳал қилинади. Агар келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, улар даъво тартибида ҳал қилинади.

Даъвога жавоб бериш муддати даъвогар томонидан олинган кундан бошлаб 10 календарь кун хисобланади.

5.5. Ўзаро музокаралар тартибида ҳал қилинмаган низолар Чирчиқ туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

5.6. Ушбу Шартнома ҳар бир томон учун биттадан, teng юридик кучга ега бўлган иккита асл нусхада тузилган.